



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 17 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207 (12.518)

Баҳоси эркин нарҳда

ПРЕЗИДЕНТ ЛАТВИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифи биноан 2013 йил 16 октябрь куни давлат ташири билан Латвияга жўнаб кетди.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликини изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташириф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИГА ШАҲРИГА КЕЛДИ

РИГА, 16 октябрь. ЎЗА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифи биноан 16 октябрь куни давлат ташири билан Латвияга келди.

Рига халқаро аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон — Латвия сиёсий мулоқотлари доирасида ўтаётган ушбу ташириф икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларининг бугунги ҳолатини атрофлича муҳокама қилиши ва узоқ муддатли асосдаги ҳамкорлиқнинг ўстувор йўналишларини белгилаши, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиши учун яхши имкониятидир.

Давлат таширифи дастурига мувофиқ унинг асосий тадбирлари 17 октябрга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш, Латвия Сейми Спикери Солвита Аболтина, Бош вазир Валдис Домбровскис билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

Авал хабар қилинганидек, ташириф якунида давлат раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги серкйра муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

(ЎЗА)

«БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ»

Яқинда Сеулда бўлиб ўтган семинар ана шундай номланди. Унда Жанубий Корея олий ўқув юртиларида тахсил кўраётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этдилар.

Тадбир чоғида асосий эътибор Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирми икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги таъриф сўзининг мазмун-моҳиятига қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг «Биз ўз олдимишга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва ҳановлар олдига бош эгмайди, бугун жаҳоннинг ҳар қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман» дея билдирган фикрлари, айниқса, семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ёш авлод вакиллари қараб айтилган бу сўзлар Ўзбекистон ёшларига илҳом бағишлагани, уларга янада кўпроқ куч-қувват ва шижоат бахш этгани ўз эътирофини топди.

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида истеъдодли ва баркамол ёш авлод шаклланди. Бугун мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган ва изчил сиёсат олиб боришнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

(Давоми 3-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Аҳолига кўрсатила-

ётган сугурта хизматлари турлари-ни янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш, бу борадаги муаммо ва ечимлар» мавзуга бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** «Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясининг 2013 йилги ҳисоботи ва келгусидаги режалари юзасидан матбуот анжума-

ни ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Davr sadolari-III» мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Пойтахтимизда
16 октябрь куни
Президентимиз
Ислам Каримов
ташаббуси билан
ташкил этилган
IX Халқаро
Ўзбекистон пахта ва
тўқимачилик
ярмаркаси
бошланди.**



ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказиб келинаётган анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатимиз иқтисодиётининг юксак рақобатбардошлиги ҳамда улкан салоҳиятини ёрқин намойиш этишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда тўққизинчи марта ўтказилаётган ушбу ярмарка йирик халқаро иқтисодий форумлардан биридир. Мазкур ярмаркада иштирок этиш учун Тошкентга дунёнинг кўплаб давлатларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар ташириф буюрди. Улар иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғини ривожлантириш, жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктураси, халқаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда истиқболларини муҳокама этади. Ўзбекистонда пахта ва тўқимачилик комплексини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузди.

Ярмарканинг очилиш маросимида истиқлол йилларида Ўзбекистонни жадал ривожлантириш, чунончи, самарали ва рентабелли бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги ютуқлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» нечоғли юксак самаралар бераётганидан далолат экани таъкидланди. 2000 йилдан буён мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот, биринчи навбатда, барча асосий тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан 3,1 баравар ўсди. Таркибида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши мунтазам ортиб бораётган экспорт ҳажми шу давр мобайнида 4,4 баробар кўпайди. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатлари, жумладан, ташқи бозорда харидорлар юқори сифатли пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари савдосидаги иштироки тобора кенгаймоқда. Чет эллик ишбилармонлар мамлакатимиз ишлаб савдо, ишлаб чиқариш ва инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтиришга катта қизиқиш билдиришмоқда. Уларни, энг аввало, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва изчил юксалиб бораётгани ўзига кенг жалб қилмоқда. 2008 йилда бошланиб, дунёнинг аксарият давлатларида ишлаб чиқаришнинг пасайишига сабаб бўлган ва ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда

жаҳтга татбиқ этилаётган ислохотларнинг пухта ўйлангани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бошқалардан фарқи равишда, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида глобал инқироз оқибатларининг олдини олиш ва салбий таъсирини юмшатиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида сўнгги олти йилда, жумладан, жорий йилда ҳам миллий иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари барқарор равишда 8 фоиздан ошмоқда.

Мамлакатимизда энг юқори жаҳон талабларига жавоб берадиган пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ташкил қилинган замонавий комплекс иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга хизмат қилаётди. Бундай ютуқларга давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидан собиқ тузумдан мерос қолган хомашё етказиб беришга йўналтирилган бир ёклама иқтисодиётни тубдан ўзгартириш вазифасини қўйгани самарасида эришилмоқда. Иқтисодиётнинг пахта ва тўқимачилик тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур жараён илгари бўлгани каби пахта майдонлари кенгайтиришнинг экстенсив услубларига эмас, балки замонавий агротехнологияларни қўллаш ҳисобидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган янги пахта навларини жорий этиш, пахтакорлар — фермер ва деҳқонлар учун барча зарур моддий-техник шароитларни яратиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда давлат харидларини таъминлашга асосланган. Чуккур таркибий туб ўзгаришлар амалга оширилди, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари модернизация қилинди, техник ва технологик қайта жиҳозланди, инфратузилма жадал ривожлантирилмоқда, замонавий бозор механизмлари кенг жорий этилаётди. Мазкур ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси пахта толаси сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда пахтани чуқур қайта ишлаш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг тури ҳамда ҳажмини кўпайтириш учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда.

Иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этаётди. Ушбу ҳужжатда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида бозор муносабатларининг ҳуқуқий базиси янада такомиллаштирилмоқда ва бу мазкур муносабатларни жадал демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, миллий иқтисодиётимиз ва унинг барча тармоқлари рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим омили бўлаётди.

Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридagi етакчи мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон пахта толасига бўлган талаб жаҳон бозорида муттасил ортиб бораётди. Шу боис Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг хориқлик иштирокчилари сафи йил сайин кенгаймоқда. Мисол учун, 2005 йилда ўтказилган ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада дунёнинг 40 давлатидан пахта ва тўқимачилик соҳаси компанияларининг миндан зиёда вакили иштирок этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш қўлама тобора кенгайиб, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Европа ҳамда бошқа минтақалар, жумладан, МДХ давлатларига изчиллик билан етказиб берилмоқда.

Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ҳар йили иштирок этаман ва бу мен учун катта шараф, — дейди «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Тошкент шаҳрида ўтказилаётган ушбу ярмарка бугун халқаро пахта бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Агентлигимиз сифати барча халқаро стандартларга мос ва истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон пахтаси бўйича алоҳида котиоровкаларни мунтазам чоп этиб келмоқда. Ҳамон давом этаётган глобал иқтисодий инқироз сабабли жаҳон пахта бозорида юзага келаётган айрим маҳсулотлар ва таҳдидларга қарамай, Ўзбекистон унда ўзининг етакчи ўрнини барқарор сақламоқда. Ип ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ортиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси Халқаро

Барча мамлакатлардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Ораста қизлар» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўқувчи-қизларни умуминсоний ва миллий кадриятлар, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган танловда 18 жамоа ўзаро беллашди.

• Гулистон шаҳрида «Эъзоз нон» масъулияти чекланган жамиятининг нон ва нон маҳсулотлари тайёрловчи корхонаси иш бошлади. Ушбу ишлаб чиқариш субъекти 135 миллион сўмлик кредит эвазига илғор ускуналар билан жиҳозланган. Шу билан бирга, бир йўла нон дўкони ҳам фойдаланишга топширилди.

• Чирчиқ шаҳрида «Карвон» савдо мажмуаси фаолият кўрсата бошлади. Мажмуа таркибида сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитларга эга 192 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохбаси, шунингдек, банк жамғарма кассаси, солиқ ва милиция таянч пунктлари жойлашган.

• Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида фаолият бошлаган «Ризелли Зарафшон» хусусий корхонаси аҳолига 12 турдаги сифатли трикотаж маҳсулотларини етказиб бермоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада 15 нафар аёл меҳнат қилаётган бўлиб, йилига 150 минг дон трикотаж маҳсулоти тайёрлаш қувватига эга.

• Учқудук туманида ишчилар учун махсус оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Аюко Текс» хусусий корхонаси иш бошлади. Айни пайтда бу ерда маҳсулотларни буюртма асосида саноат корхоналарига етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланмоқда. Замонавий тарзда жиҳозланган ва 15 нафар маҳаллий йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

• 2013 йилнинг учинчи чорагида Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics» корпорациясининг ўз фаолияти давомида энг яхши натижага эришганлиги қайд этилди. Яъни, ушбу чоракда корпорация томонидан 9,4 миллиард АҚШ доллари атрофида даромад кўрилган. Корпорация фаолиятидаги ўсиш жаҳон миқёсида компьютерлар учун мўлжалланган хотира чипларининг нархи ошганлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга бу ерда ишлаб чиқарилаётган смартфон русумидаги телефон айна пайтда дунё бозорида энг харидоргирдир.

• БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти таркибидаги аҳолишунослик бўлими томонидан маълум қилинишича, жорий йилда ўзга давлатларда ишлаётган муҳожирлар сони рекорд даражага етиб, 232 миллион кишидан ошди. Бу кўрсаткич сайёрамиз аҳолисининг 3,2 фоизини ташкил этади. Давлатлар орасида энг кўп муҳожир қабул қилган мамлакат АҚШ бўлиб, бу ерда 45,8 миллион хориқлик киши фаолият кўрсатмоқда. Кейинги ўринларни Германия, Саудия Арабистони, БАА, Буюк Британия, Франция, Канада, Австралия ва Испания эгаллаб турибди.

• Япониянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Фукуока музофотида жойлашган шу номли шаҳардаги тўрт қаватли ортопедия маркази биносида чиққан ёнғин натижасида саккиз нафар шифохонада даволанаётган кишилар ва икки нафар тиббиёт ходими ҳалок бўлди, яна саккиз киши турли хил жароҳатлар билан касалхонага ётқизилди.

Кун кеча Темирийулчилар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари ҳамкорлигида «Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари аъзолари ҳамда ишчи гуруҳи раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси Ф.Абдурахмонова тадбирда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш масалалари ҳусусида тўхталиб ўтди.

Маълумки, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, юртимизда фуқаролик жамиятининг миллий ва демократик институти — маҳалланинг нуфузини кўтаришга нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

2013 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар амалга оширилди.

Семинарда сўзга чиққанлар сайловга тайёргарлик қилиш ва уни қонун талаблари асосида юқори савияда ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Чунончи, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш ва унга тайёргарлик қилиш, сайлов жараёнининг демократик тамойиллар асосида ўтказишни таъминлаш, Сенат ва маҳаллий Кенгаш кўмаклашувчи комиссияларининг ўрни ҳамда маҳалла фаолларидан тўзилган ишчи гуруҳларнинг вазифалари, маҳалла раислари ва маслаҳатчиларига номзодларни танлаш, аҳоли орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш ва бевосита яқинлашиб келаётган сайловга тааллуқли қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак сайловда Тошкент шаҳридаги 475 та маҳаллада фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари сайланади. Юқоридаги янги тахирда қабул қилинган Қонун мувофиқ, сайловлар ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилиши лозим.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам бериш учун шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари ва ишчи гуруҳлари тўзилган.

Семинарда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тўзиш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилганлиги қайд этиб ўтилди. Аввалги сайловларда мазкур ишчи гуруҳлари асосан фуқаролар йиғини кенгаши қарорлари билан тўзилган бўлса, янги тартибга биноан ишчи гуруҳлар фақат маҳалла фаолларининг йиғилиши қарори билан ташкил топади.

Шунингдек, семинарда ишчи гуруҳлар фаолиятида ҳолисликни янада кучайтиришга, номзодларга бир хил шароити таъминлашга қаратилган янги талаблар ҳам киритилганлиги, жумладан, ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидан ташқари халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутати ҳам киритилиши қайд этилди.

Бундан ташқари ишчи гуруҳининг ваколатлари ҳам кенгайтирилганлиги, улар ҳовлилар, уйлар, кўчалардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Бунда ишчи гуруҳи умумий йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни қўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш, ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар билдирган фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича тақлифлар тайёрлаш, бўшаб қолган ўринларга қайта сайлов ўтказилишини ташкил

этиш каби янги ваколатлар ҳам берилгани ҳар томонлама изохланди.

Шу билан бир қаторда, номзодлар қўрсатиш жараёнида ишчи гуруҳлари фуқаролар йиғини раиси лавозимига қўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлаш ва тегишли туман ҳокими билан келишиш учун туман комиссиясига сайловдан камидан ўн кун олдин тақдим этиш кераклиги билдирилди. Амалдаги Қонун талабларига асосан туман ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини қўриб чиқиши ва номзодлар бўйича ҳар томонлама асосланган ҳулосаларини ишчи гуруҳларга топшириш учун туман кўмаклашувчи комиссиясига тақдим этиши лозимлиги билдирилди.

Амалдаги тартибга биноан, ишчи гуруҳи туман ҳокимининг ҳулосасини олгандан сўнг, фуқаролар йиғини раиси лавозимига қўрсатилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камидан беш кун олдин фуқаролар йиғини босига ва гузарларга осиб қўйиш шартлиги қайд этиб ўтилди.

Семинарда иштирокчиларнинг эътибори Қонунга киритилган муҳим ўзгаришлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси лавозимига қўрсатилган номзодлар учун қўйилган талабларнинг кучайтирилганлигига ҳам қаратилди.

Бунда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камидан беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши лозимлиги қўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тўғрисидаги қарор билан қўрилган олий таълимнинг маълумоти, суднинг ҳўжми билан озолиддан маҳрум этиш жойларида сақланган таълим, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайла-

ниш учун номзод этиб қўрсатилиши мумкин эмаслиги билдирилди.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) кун тартибига, қоида тариқасида, санок комиссиясини сайлаш, фуқаролар йиғини раисини сайлаш ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлаш масалалари киритилди.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар рўйхатга олингандан сўнг, уларнинг ҳар бири ўзининг фаолият дастури билан ўз сайловчиларини яқиндан таништириши лозим.

Семинарда сайловда овоз бериш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайловда очик овоз бериш усули танланса, овоз бериш ҳар бир номзод бўйича қўл қўтариш йўли билан ўтказилади. Бунда фуқаролар йиғинида раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни аввалги сайловлардагидек тақлифларнинг келиб тушиш тартибига қараб эмас, балки алифбо тартибига овозга қўяди.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яқини овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини иштирокчиларига санок комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилади.

Семинарда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунни талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида ушбу сайлов жараёнини юқсак савияда ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

«Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзусида ўтказилган семинар кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалари қўмитаси раиси, Сенат Кенгаши комиссияси раисининг ўринбосари С.Артикова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор, Сенат Кенгаши комиссияси аъзоси Э.Рўзметов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси С.Бобоқўловларнинг маърузалари тингилди.

Семинар якунига кўра, Тошкент шаҳрида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик қилиш ва уни янги тахирда қабул қилинган қонун талаблари асосида ўтказишга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

«Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.1994 йилда 325-сонли қарор билан тасдиқланган «Турар жой ва унга туташ бўлган ҳудудлардан фойдаланиш ва саклаш қоидаларидан асосий кўчирмалар.

Турар жой эгаси қуйидагиларга ҳақли:

- эгаллаган турар жойга ўзи билан яшайдиган оила аъзоларини қиритиш;
- биргаликда яшаётган, шу жумладан вақтинча бўлмаган оила аъзоларининг ёзма розилиги билан, белгиланган тартибда турар жойни алмаштириш;
- бир неча хоналардан иборат бўлган квартира ичиди турар хоналар белгиланган тартибда бўлинганди, ҳар бир эгаси билан алоҳида уй-жойдан фойдаланиш шартномаси тузилади ва ҳар бирага таъмирлов-эксплуатация ташкилоти, ХУЖМШ томонидан ҳисоб варақаси очилади.

Уй-жой мулкдорининг ҳуқуқлари:

- уй-жой мулкдорлари уй-жойга эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уни тасаруф қилиш ҳуқуқига эга, давлатнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланган манфаатларини бузмаган ҳолда;
- уй-жой мулкдорлари уй-жойнинг эксплуатацияси, сақланишини таъминлаш учун мустақил равишда хизмат қўрсатувчи ташкилот тузадилар;
- вояга етган оила аъзоларининг розилиги билан ўз квартираларини ёки унинг қисминини ижарага беришга ҳақлидирлар, ёзма равишда шартнома тузган ҳолда.

Ижарага олувчи ва уй-жой мулкдорининг бурчлари:

- турар жойларнинг сақланишини таъминлаш, уй-жой майдонидан, санитар-техник жиҳозлардан (водопровод, канализация, газ жиҳозлари, марказий ва иссиқ сув таъминоти, ванна, раковина, ювигч ва х.к.) эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;
- электр, иссиқлик энергияси, сув ва газни тежамкорлик билан ишлатиш, уларни оқиб кетишига ва ҳўжасизларча ишлатишга йўл қўймаслик, турар жойни, умумий фойдаланиш жойларини, кириш йўлига, лифт кабиналари ва зина майдончаларини тартибли сақлаш;
- санитар-техник жиҳозларнинг носозлигини аниқлаган ҳолда уларни тузатиш чораларини қўриш, таъмирлов-эксплуатация ташкилотлари ва тегишли авария хизматлариغا маълум қилиш;
- электр, газ ва бошқа приборлардан фойдаланишда, печаларни ҳамда ошхона ўчоқларини иситишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- зина майдончалари, йўлақлар ва умумий фойдаланиш жойларини мунтазам равишда йиғиштириб бориш;
- уй-жойга хизмат қўрсатиш учун коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўлов ойдан кейинги ойнинг 10 кунидан кечиктирмай тўлаб бориш;
- белгиланган муддатларда тўланмаган коммунал хизмат тўловлари давлат нотариал идораларининг ижро ёзувлари бўйича ундирилди;
- коммунал тўловлар учун умумий харажатлар: телефон, умумий фойдаланиш жойларини таъмирлаш ижарачи ва уй эгалари ўртасидаги келишув бўйича тақсимланади.

Коммунал тўловлар бўйича умумий харажатларни тақсимлаш борасидаги яшовчилар ўртасидаги низо жойларда маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларида, агар томонлар келишмаса, судда қўриб чиқилади.

Ижарага олувчи ва уй-жой мулкдорлари ва улар билан яшаётган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

- балкон, лоджиялар, ўтиш ва кириш йўлақлари, зина майдончалари ва заҳира қишлоқларини тўлдириб юбориш, у жойларда жониворлар, қўшлар, асалариларни ушлаб туриш, қойиш ва гиламларни осиб қўйиш;
- таъмирлаш-эксплуатация ташкилотининг рухсатисиз радиаторларни, газ жиҳозларини ва электр ўтказгичларни қайта жойлаштириш, монтаж қилиш;
- унитаз ва раковиналарни ошхона чиқиндилари, латта ва бошқа нарсалар билан тўлдириб ташлаш;
- квартираларда, йўлақда, чордоқда ёки ертўлада би-

7. ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ҲАМДА УЙ ОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

Уй-жой мулкдорларининг турар жой биноларидан ҳамда унга туташ бўлган ҳудудлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари

ноларнинг бузилишига олиб келадиган ишларни бажариш;

- таъмирлаш-эксплуатация ташкилотининг рухсатисиз уйларнинг томларида телевизор ва радиоприёмниклар учун алоҳида антенналар ўрнатиш;
- ижарага олувчи ва уй-жой мулкдорлари эгаллаб турган биноларнинг техник ва санитария ҳолатини қўздан кечиртиш учун, таъмирлаш-эксплуатация ишларини бажариш учун шахсни тасдиқловчи гувоҳнома тақдим этилганда киритишга мажбурдирлар;
- уй-жой эгаси йўқ бўлганда, унга кириш таъмирлаш-эксплуатация ташкилоти томонидан ички ишлар органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ХУЖМШ вакиллари иштирокида амалга оширилади;
- квартираларда жимлик сақланиши лозим, радиоприёмник, магнитофон, телевизор ва овоз қучайтиргичлардан соат 23 дан 7 гача фойдаланиш қўшнилари оромини бузмайдиган даражада товушини пайсатириш шарти билан рухсат берилди;

Изоҳ: турар жойлардан фойдаланиш борасидаги қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда қуйидаги телефонларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Тошкент шаҳар прокуратураси
Уй-жой мулкдорлари ширкати ассоциацияси

тел.: 239-05-52,
тел.: 1007, 271-12-26,
тел.: 277-75-43,
250-03-85, 250-15-54.

Сайёд ЖУМАОБОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Ўзбекистонда селекционерларимиз томонидан яратилган ҳашарот ва касаликларга бардошли, мамлакатимизнинг ҳудудлари тупроқ-иклим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун ва тоза янги пахта навлари етиштирилмоқда. Сўнгги вақтда бундай хусусиятларга эга янги 20 хил нав районлаштирилди. Жорий йилда «олий» ва «яхши» навлари тола улуши 90 фоиздан ошди. Ўзбекистон пахтаси жаҳон бозорида талаб этилган асосий сифат қўрсаткичларидан бири бўлган микронейр қўрсаткичига тўла жавоб беради. Бу борада энг илғор биотехнологиялардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз олимлари эришган сўнгги ютуқлардан бири — бу улар томонидан гўза учун яратилган дунёдаги илк ген-нокаут технологиясидир. Бу эса, ўз навбатида, чидамли хусусиятларга эга «Порлок» навларини яратиш имконини берди. Бундай навлар пахта 5-10 кун аввал етилиди, ҳосилдорлиги 18-30 фоиз ошади, толасининг узунлиги 40 миллиметрча, микронейр қўрсаткичи 4,2 миллиметрча етади. Бундай технология асосида яратилган навлар синовдан муваффақиятли ўтди. Айни пайтда ген-нокаут технологиясини бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари учун ҳам қўллаш борасидаги ишлар амалга ошириляптир. Мазкур янгилик бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ярмарка бўлиб ўтаётган «Ўзэкспомарказ»да жорий йил мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толасининг намуналари қўйилган. Тадбирда сўнгги йилларда республикамизда фаолият қўрсатётган барча пахта заводлари реконструкция ва модернизация қилинган самарасида тола сифати ва ишлаб чиқариш ҳажми ошгани қайд этилди. Сотувга қўйилган ҳар бир тола толаси «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг сифат сертификатига эга. Марказ ва унинг ҳудудий лабораторияларида тола хусусиятлари замонавий HVI юқори технология тизим ёрдамида текширилмоқда. Истеъмолчилар бундай текширув натижаларига тўлиқ ишонди. Негатки, ушбу тизим энг юқсак халқаро талабларга жавоб беради.

— Ўзбекистон пахта толаси мамлакатимизнинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди, — дейди Хитойнинг йирик «Xinjiang Yitong International Agricultural Cooperation» компанияси бошқаруви раиси В.Лян. — Ўн йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келётганимизнинг ўзи Ўзбекистон нафақат олий сифатли тола ишлаб чиқараётган, балки уни ташкил этилган логистика тизими орқали ўз вақтида етказиб бераётган ишончли ҳамкор эканидан ҳам ёрқин далолатлар.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Гиттиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон жаҳон пахта-саноатида кооперациони рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди. 1992 йилдан буён Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг аъзоси бўлган Ўзбекистон бу борадаги халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда. Аънавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ушбу ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Яна шуниси муҳимки, Ўзбекистонда пахта толасини чўқур қайта ишлаш қўлами ва ҳаммилари тобора кенгаймоқда, тўқимачилик саноати изчил ривожланимоқда.

Мамлакатимизда уч юзга яқин замонавий тўқимачилик корхонаси фаолият қўрсатмоқда. Хар йили янги корхоналар, шу жумладан, хориқлик ҳамкорлар иштирокда қўллаб қўшма корхоналар ишга тушириляптир, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. Пахта толасини чўқур қайта ишлаш ҳажми ортмоқда. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида бу қўрсаткич мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган толанинг атми 7 фоизини ташкил этган бўлса, бугун 40 фоиздан ошади. Хориқий экспортларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичиде Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг янада қучурлаштирилиши, шунингдек, катта ҳажмда ҳам ашё, ишлаб чиқариш ва қадрлар ресурсларининг маҳсулоти самарасида бу қўрсаткични 60 фоизга етказиш мумкин. Бунинг учун изчил чоралар қўриляптир. Бу борада 2015 йилгача мўлжалланган Енгил саноатни ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда, соҳага жалб қилинаётган инвестиция ҳажмлари ортмоқда, экспортбop ва рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитириш мақсадида илғор технологиялар кенг жорий этилмоқда. Бундай изчил чора-тадбирлар натижасида истиқбол йилларида тармок маҳсулотлари экспорти ҳажми 110 барабар ошди. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатига етказиб бериляптир.

Ярмаркада Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги калава, полотно, матолар, тайёр тикувчилик буюмлари ҳам кенг намойиш этилмоқда. «Ўзбекнигилсанот» давлат аҳиядорлик компанияси дизайнерлик марказининг табиий матолардан тайёрланган либослар моделларининг намойиши хориқлик иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Аънаъага кўра, ярмарка доирасида мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Хориқий ишбилармон доиралар вакиллари ушбу лойиҳалар катта истиқболга эга эканини таъкидлаб, уларга инвестиция қиритишдан манфаатдорлигини билдирди.

«Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) вакили Д.Лил, Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси бош директори К.Шиндлер, Ҳиндистон тўқимачилик саноати вазирининг ўринбосари З.Чаттерджи, Швейцариянинг «Swiss Capital International AG» компанияси таъсисчиси М.Вальдвотен ва бошқалар Ўзбекистон билан ҳамкорлик катта истиқболга эга эканини таъкидлади. Мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити яратилгани, тола ва ундан тайёрланган маҳсулотларни харид қилиш шартлари шакллантирилгани, маҳсулотларни етказиб бериш ва транспортировка қилиш кафолатлангани, мослашувчан нарх сиёсати бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга ошириляптир иқтисодий ислохотлар бераётган юқсак самаралардан экани қайд этилди.

Ярмарканинг дастлабки куниде Ўзбекистон пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиб олаётган мамлакатлар делегациялари билан бўлиб ўтган музокараларда юртимизнинг ушбу маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ҳамда ташқи савдо компаниялари вакиллари қатнашди.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чикди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида моддий ва номоддий маънавий меросни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» ва Интеллектуал мулк агентликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги бош директорининг ўринбосари Д.Кўчарова, Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг ўринбосари М.Бобожонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида моддий ва номоддий меросни асраш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ёшларни тарихимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камолга етказиш, эзгу қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда моддий ва номоддий мероснинг кўплаб турлари мавжуд. Архив ҳужжатлари ва интеллектуал мулк объектлари улар орасида ўзига хос ўрин тутди. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан зиёд давлат, ўн мингдан кўпроқ шахсий таркиб ҳужжатлари ва идоравий архивлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишда бир нечта подавлат муассасалар ҳам иш юритаётир. Мазкур моддий мерос иншоотларида қарийб ўн уч миллион саклов бирлигидаги ҳужжат мавжуд. Шунингдек, патент ҳуж-

жатлари давлат фондида етмиш олти миллион нусхадан кўпроқ интеллектуал мулк манбалари сақланмоқда.

Ушбу ноёб манбаларни асл ҳолича асраш, ке-

Қарор ва ижро

МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ

лажак авлодларга етказиш, архивлар ва интеллектуал мулк манбалари фондларини янада бойитиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда

«2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофазасида қилиш, асраш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Архивларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда сақланаётган ноёб манбаларни муҳофазалаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда тўртта архив биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, ўн саккизта замонавий янги бино барпо этилди. Архивларда сақланаётган бир қанча ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди.

«Ўзархив» агентлиги номоддий маданий меросни асраш ва тарғиб этиш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан ҳамкорликда «Оғзаки тарих» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа номоддий меросни моддий асосга ўтказиш, архивларда сақлаш, тарихимизнинг муҳим давларида оид маълумотларни келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида архив ҳужжатлари ва интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш, мазкур фондларини янада такомиллаштириш ва бойитиш борасидаги ҳамкорлик самаларида юзасидан атрофлича маълумот берилди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

Спорт янгиликлари

ГУРУҲ БАҲСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Қатарда футбол бўйича 19 ёшли чарм гўп усталари ўртасида уюштирилган Осиё чемпионати саралаш турнири гуруҳ баҳслари яқунланди.

Ушбу нуфузли турнирда Қатар, Туркменистон, Ҳиндистон ва Непал ёшлар терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб борган Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўрт учрашувдан учтасида ғалабага эришиб, биттагина баҳсда рақибларига имкониятни бой бериб қўйди ва гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади.

Аввалига туркменистонлик тенгқурларини 1:0, кейин непалик ёш футболчиларни 5:0 ҳисобида мағлуб этган Евстафеев шогирдларига ҳиндистонлик ёшлар терма жамоасини 3:0 ҳисобида энгил қийинчилик туғдирмади.

Сўнгги турга қадар мезбонлар терма жамоаси билан бир хил — тўққизтадан очко жамгарган ёшлар терма жамоасига қатарлик тенгқурлари билан кечадиган баҳсда ғалаба зарур эди. Чунки қўлга киритилмаган уч очко ҳамюртларимизга гуруҳда биринчи ўринни

эгаллаш имкониятини беради.

Аммо, ўз майдонида ҳар қандай жамоага деворлар ҳам ёрдам беради, деганларидек, Қатар — Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учрашувида майдон эгалари 2:0 ҳисобида зафар кучишди. Гарчи ёшларимиз ҳисобни ўзгартириш мақсадида рақиб дарвозасига иккинчи бўлимда кўп марта ҳужумлар уюштирган бўлсаларда, дарвозани ишғол этиш ҳеч қайси футболчимизга насиб этмади.

Ёшлар терма жамоамизнинг гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаш келгуси йили Мянмада ўтайдиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имконини беради.

Ўйлаيمизки, Осиё чемпионатида қадар Алексей Евстафеев шогирдлари йил қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш устида изланадилар ва албатта Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этадилар.

**Ақбар
Йўлдошев**



Ўчтепа туманидаги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидagi бадий гимнастика ҳамда таэквондо (ГТФ) тўғрисидаги шахримизнинг турли ҳудудларидан кўплаб ўсмирлар ва қизлар катта иштиёқ билан келишади. Бу бежиз эмас, албатта.

ЁШ ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Гап шундаки, 3 дан қора белбоғ соҳиби Теодор Цардус ҳамда спорт усталигига номзод Юлдуз Муҳамедовадек тажрибали мураббийлар таэквондо ва бадий гимнастика каби мардлар, жасурлар, нафис ва қадди расолаб етишиб чиқадиган спорт турлари сир-асрорларини болажонларга эринмай ўргатиб, уларни мустақил Ватанимизнинг муносиб фарзандлари сифатида етишиб чиқишларига ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Маҳоратларини ошириш, янги усулларни ўрганиш ниятида ўз усталирида муттасил ишлаётган ушбу ёшлар орасидан келгусида нуфузли мусобақаларнинг ғолиблари етишиб чиқишига ишончимиз қомил.

**Даврон НУРМАТОВ
СУРАТДА: 40-БЎСМда машгулотлар мана шундай қизиқарли ўтади**

Алексей Попов олган сурат

Шаҳримиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида бўлиб ўтган «Tashkent challenger — 2013» халқаро теннис турнири яқунланди.

КУЧЛИЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА

Турнирнинг финал баҳсида исроиллик Дуди Села россиялик Теймураз Габашивили билан куч синашди. Баҳсда Дуди ўзининг аниқ зарбалари эвазига Теймуразни биринчи сетда 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи сетда ҳам исроиллик теннисчи рақиб устидан 6:2 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақа ғолибига айланди.

Дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакат теннисчилари иштирок этган нуфузли мусобақада ғолиб бўлганимдан бехад шодман, — дейди Дуди Села. — Бугунги баҳсда Теймуразга омад етишмади. У кучли теннисчи. Габашивили билан баҳслар доимо қийин кечади. Фурсатдан фойдаланиб, энг аввало менга далда бўлиб, муҳлислик қилган юртдошларимизга ўз миннатдорчилигини билдираман. «Tashkent challenger — 2013» турнири аъло даражада ташкиллаштирилди. Насиб қилса келаси йили ҳам «Tashkent challenger» халқаро турнирида иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Жуфтлик баҳсларида Россия вакиллари — Михаил Елгин ва Теймураз Габашивили тандеми ҳиндистонлик теннисчилар Пурав Рожа ва Дивиж Шаран жуфтлигини 6:4, 6:4 ҳисобида мағлуб этиб турнирнинг бош соврини билан тақдирландилар.

Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «O'ZKIMYOSANOAT» ДАК Бошқарувининг 2013 йил 8 октябрдаги 02-42-02-сонли йиғилиш қарорига асосан «O'ZKIMYOSANOAT» ДАКга тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 38-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Тойота Прадо» русумли, д/р 01-050ССА бўлган, 2007 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 110 000 000 сўм.
2. «Тойота Камри» русумли, д/р 01-303JCA бўлган, 2006 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 18 ноябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 15 ноябрь кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 18 ноябрь кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 25 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 25 ноябрдаги савдолар унун 22 ноябрь кuni соат 18:00; 2 декабрдаги савдолар унун 29 ноябрь кuni соат 18:00да тўхтайтилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФД: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақоғиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mml.uz. Гувоҳнома №006231.

**Султон ҒАНИЕВ,
12-ХҲХ 3-алоҳида пост кичик инспектори, кичик сержант**

Мутахассис маслаҳати

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ — АСОСИЙ ОМИЛ

Сариқ (гепатит) касаллиги қонда ўт пигменти (билирубин) миқдорининг ортиб кетиши натижасида тери ва шиллиқ қаватларнинг сариқ рангга бўялиш ҳолатидир. Сариқ касаллигининг бир қанча турлари мавжуд. Шулардан энг кўп тарқалгани вирусли гепатитлар бўлиб, асосан терида сарғайиш пайдо бўлиши ва жигар хасталаниши билан кечади.

Ҳозирги вақтда вирусли гепатитлар туркумига қуйидаги касалликлар киради: С, А юқумли гепатити, бола-ларда В — зарбдор гепатити учрайди.

Касаллик вируслари асосан турли тиббий ва косметик муолажалар: укол қилиш, тишни даволаш, операция қилиш, аёлларни гинекологик кўрикдан ўтказиш, тирноқларга зеб бериш, соч-соқолни қириш воситасида юқади. Баъзан бевосита мулоқот чоғида ҳам хасталик юқиши мумкин. С вирусли гепатит 1,5 ойдан 6 ойгача яширин даврни кечириб, А гепатитига нисбатан узоқроқ давом этади. С гепатити қон қуйиш орқали юқанида донордан олинган қонда вирусли гепатит андигенлари мавжуд бўлса, қон қуйилган беморда касаллик келиб чиқади. Вирусли гепатит дельтаси ҳам мавжуд, бу хасталик вируслари мустақил равишда касаллик кўзгатмайди. Бу вирус В гепатитининг андигени бор жойдагина ҳужайраларга ўрнашиб олади, яъни 2 та хасталик баравар кечади. У сурункали давом этиши, кўп асоратлар бериш билан ифодаланади. Ҳозирги пайтда юқоридаги вирусли гепатитнинг Б тури ҳам тарқалиши кузатишмоқда. Бу тур оғиз орқали юқиши, қисқа мuddатда кенг тарқалиши, нисбатан энгил кечиши билан ифодаланмоқда. У ҳомиладор аёлларда нисбатан анча оғир кечади, ҳатто улар орасида ўлим ҳолатлари ҳам учрайди.

Гепатитнинг гелиотроп касаллиги (кампиричопон ўсимлигининг уруғлари аралашган ун нонини узоқ вақт истеъмол қилиш натижасида вужудга келади), токсик гепатит (турли заҳарли кимёвий моддаларнинг жигар ҳужайраларига бевосита таъсири натижасидан пайдо бўлади), ўткир гепатит, сурункали гепатит турлари ҳам мавжуд.

Биз сариқ касаллигининг кўп учрайдиган вирусли гепатит турлари билан таништирдик. Сариқ касаллиги яна гемолитик (қизил қон таначаларининг баъзи бир заҳарли моддалар ва бошқа сабаблар натижасида кўплаб ёмирилиши) жигарга ёки эритроцитларга ҳар хил дориларнинг таъсири сабабли ривожланмаган (медикаментоз), сафронинг димланиши натижасида ривожланмаган, чақалоқлар, ҳомиладорлик сариқ касалликлари кабиларга бўлинади.

**Азизбек НИЗАМОВ,
Саломатлик ва тиббий статистика институти
Тошкент шаҳар филиали бўлим бошқиси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси экология масалалари бўйича Тадбиркорлик субъектлари учун 2013 йилда ҳар ойнинг учинчи (21-30) ўн кунлигида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

**ўтказилишини ҳамда
277-00-86, 277-75-43**

рақамли

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

**ишлаётганлигини
маълум қилади.**

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 18 ва эрталар 19 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити

Тошкент шаҳрида 18 октябрь кuni ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 8-10, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.

шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

«101»

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Бугунги кунда ўзимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз катта аҳамият касб этаётир. Маълумки, жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизлигини таъминлаш ҳаётини зарурат ҳисобланади. Кишиларнинг ва давлатнинг мулкни асраб-авайлаш, турли тажовузулар офатлардан ҳимоя этиш ҳам ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Шу қатори ўзимизни, оила аъзоларимизни ва турар жойларимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизлиқнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Бу эса ҳар биримизнинг ҳамма ерда масъулиятли бўлишимизни тақозо этади. Биламизки, эҳтиётсизлик ёки бошқа бир сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида хонадон ёхуд корхона-ташкilot бинолари, у ердаги моддий бойликлар ёниб қўлга айланиши ҳеч гапмас. Ёнғин ачинарли томони шундаки, шу ўт балоси туфайли инсонлар ҳаёти ҳам бе-вақт хазон бўлиши мумкин.

Газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпин-

ча аҳоли турар жойларида учрайди. Фуқароларимиз шу каби арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишадди, бироқ уларга етарлича эътибор қилишмайди.

Биз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимизни ва атрофимиздагиларни олов офатидан асрасак, бу билан ўзимизга ҳам, жамиятга ҳам етайдиган зарарнинг олдини олган бўламиз. Шундай экан, уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

**Султон ҒАНИЕВ,
12-ХҲХ 3-алоҳида пост кичик инспектори, кичик сержант**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г - 1041

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
лайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади,
8632 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари буинча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ